O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 17 июль, шанба • № 57 (11.140) • Эркин нархда сотилади

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 июль куни Оқсарой қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Игорь Ивановни қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мазкур ташриф Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, минтақавий, халқаро муаммоларга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

Қабулда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А.Пацев ҳозир бўлди.

***(ЎзА).***

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ УЧРАШУВИ

***ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида Россия Федерацияси, Тожикистон республикаси ҳамда Ўзбекистон республикаси Ташқи ишлар вазирларининг уч томонлама учрашуви бўлиб ўтди.***

Учрашувда уч мамлакат давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳар томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги декларациянинг ижроси, Тожикистонда тинчлик ўрнатиш жараёнига кўмаклашиш, терроризмга, экстремизм, гиёҳвандлик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар мулоқотларнинг бош мавзуси бўли. Шунингдек, уч мамлакат Ташқи сиёсат Маҳкамалари раҳбарлари ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва унинг истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган масалалар борасида фикр алмашдилар.

Уч томонлама учрашув ниҳоясида Россия Федерацияси, Тожикистон республикаси ва Ўзбекистон республикаси Ташқи ишлар вазирларининг амалий учрашуви тўғрисидаги қўшма Коммюнике имзоланди. Ҳужжатга уч мамлакат Ташқи ишлар вазирлари И. Иванов, Т. Назаров ҳамда А. Комилов имзо чекди.

Шу куни меҳмонлар Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳам бўлдилар.

***(ЎзА).***

## БМТ ҲОМИЙЛИГИ ОСТИДА

### АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА «6+2» ГУРУҲИ ТОШКЕНТ УЧРАШУВИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИГА ОИД

***АФҒОНИСТОНДАГИ вазият халқаро ҳамжамиятда кун сайин қаттиқ ташвиш уйғотмоқда. Мамлакатдаги келишмовчиликларнинг бартараф этилмаётгани минтақавий ва глобал хафсизликка жиддий таҳдид солмоқда.***

Мустақилликни қўлга киритган илк кунлариданоқ Ўзбекистон ташқи сиёсатида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистондаги зиддиятларни тартибга солиш энг устувор йўналишлардан бири бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси 48-50-сессиялари, ЕХҲТ саммитлари ва бошқа нуфузли халқаро форум ва конференцияларда қилган маърузалари ушбу келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишга халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини жалб этишга бағишланди.

Ўзбекистон раҳбарияти афғон муаммосини ҳал этиш юзасидан қатор ташаббуслар билан чиққан. Ушбу ташаббуслар негизида 1997 йилда БМТ ҳомийлиги остида «қўшнилар ва дўстлар» гуруҳи тузилди, айни пайтда эса у «6+2» гуруҳи номи билан маълум. Мазкур гуруҳга Афғонистон билан бевосита чегарадош олти мамлакат — Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва шунингдек, АҚШ ва Россия Федерацияси киради.

Деярли икки йил мобайнида «6+2» гуруҳи томонидан Афғонистон бўйича БМТ Бош котибининг махсус вакили, машҳур дипломат Л. Брахими мувофиқлаштируви остида афғон муаммосини ҳал этиш йўлларини излаш борасида гуруҳга аъзо мамлакатларнинг умумий тамойиллари ва ягона ёндашувларини ишлаб чиқиш бўйича катта ишлар қилинди.

1998 йил 21 сентябрь куни Нью-Йоркда бўлиб ўтган мазкур гуруҳга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг кенгаши унинг фаолиятининг муҳим босқичларидан бири бўлди. Ушбу кенгашда Ўзбекистоннинг афғон муаммосининг блоклашуви масалаларига бағишланган «6+2» гуруҳининг кўчма мажлисини Тошкентда ўтказиш бўйича таклифи кўриб чиқилди. Ўтган давр ичида бўлажак Тошкент учрашувининг кун тартиби, ҳажми ва ўтказиш схемасини аниқлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда «6+2» гуруҳи Афғонистондаги зиддиятни бартараф қилиш бўйича ягона ва амалдаги халқаро механизм бўлиб, унинг доирасида кўп томонлама дипломатиянинг ноёб тажрибаси йиғилган. Бу тажриба Афғонистон ичида қарама-қарши томонларни музокараларга жалб этиш учун ташқи холис томонларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари орқали қулай шарт-шароит яратишга имкон беради.

Ўзаро ҳамкорликнинг натижаси ўлароқ, «6+2» гуруҳига аъзо давлатлар БМТ билан биргаликда шу йилнинг 19-20 июль кунлари Афғонистон масаласи бўйича мазкур давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги Тошкент учрашувини ўтказишга келишиб олдилар. Ушбу учрашувда БМТ ваколатли делегациясининг иштироки режалаштирилмоқда. Тошкент учрашувида қатнашиш учун Афғонистондаги қарама-қарши томонлар — «Толибон»лар ҳаракати ва Бирлашган фронтга расмий таклифномалар юборилган.

Учрашув давомида кўп йиллик зиддиятлардан чиқишнинг йўллари тўғрисида кенг қамровли фикр алмашувлар режалаштирилган бўлиб, Афғонистон муаммосини бартараф,этишнинг муҳим тамойиллари тўғрисидаги Тошкент Декларациясининг қабул қилиниши мазкур учрашувнинг натижаси бўлиши керак. Тошкент учрашуви Афғонистон муаммосини ушбу давлатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувисиз, қарама-қарши томонлар ўртасида бевосита тинч сиёсий музокаралар йўли билан ҳал этишга йўналтирилади.

Жафокаш афғон тупроғида узоқ муддатли тинчлик ва барқарорликни таъминлашга умид боғлаган «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашувини ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон ташаббуси халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланмоқда.

***«ЖАҲОН» АА.***

## 8 МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

## ЎРТАЧИРЧИҚ

ЎРТАЧИРЧИҚ тумани мустақиллик йиллари ичида ўзгача қиёфа касб этди. Майдони 521,5 квадрат километрдан иборат бўлган бу ҳудудда 153 мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Кейинги йиллар ичида бу ерда қишлоққа саноатни олиб киришга алоҳида эътибор берилди. Мавжуд 14та ишлаб чиқариш корхоналаридан ташқари, хорижий мамлакатлар билан биргаликда «Кабул-Ўзбек текстил» компанияси, «Ана текстил ЛТД», сутни қайта ишлаш заводи, «Сеи-Синг» қўшма корхоналари, кичик корхоналар, тадбиркорлик шахобчалари очилди.

Туман қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик ва чорвачилик борасида ҳам арзигулик ютуқлар қўлга киритилди.

Қишлоқ инфратузилмаси ривожланиб боряпти. Биргина шу йилнинг биринчи ярмидаёқ манзилгоҳларни газлаштириш 97,8 фоизни, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш 65 фоизни ташкил этди. Бу ерда 74та мактаб, 1та коллеж бўлиб, уларда 33 мингга яқин ўқувчиларга 2,5 мингдан зиёд ўқитувчи билим бермоқда.

Бу ерда замонавий ўйингоҳ, 215 спорт майдончалари минглаб ишқибозларни ўз бағрига тортган.

***(Туман ҳаётига оид асосий мақолаларни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз)***

***СУРАТЛАРДА: «Кабул-Ўзбек текстил» компанияси биносининг ташқи кўриниши; йигирув цехининг илғор ишчилари Шаҳноза Эркабоева (чапда) ҳамда Шаҳноза Худойбердиевалар.***

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

## МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ

*1. Ўзбекистон мустақилликка эришганига саккиз йил тўлади. Келинг, истиқлолнинг илк кунларига қайтайлик. Ўшанда дилингиздан қандай ўйлар кечган эди?*

*2. Сизнингча, инсон учун энг муқаддас неъмат нима?*

*3. Мустақиллигимиз кўз ўнгимизда камолга етиб боряпти. Унинг янада равнақ топиши учун сиз қандай ҳисса қўшяпсиз?*

***Суҳбатдошимиз: Тошкент туманидаги Гофир Хошимов номли маҳалла оқсоқоли Муҳаммаджон ҳожи ТУРСУНОВ:***

**1.** Ҳаётимда кўп нарсаларни кўрдим, деб айтолмайман. Лекин асримиздаги энг муҳим воқеликни — юртимиз мустақил бўлганини ўз кўзим билан кўрдим, ушбу хушхабарни ўз қулоғим билан эшитдим. Бундан ортиқ мукофот мен учун йўқ.

Ватан остонадан бошланади, дейдилар. Бу, сен яшайдиган улкан мамлакатнинг илк сарҳади ўз уйингдан, қишлоғингдан, маҳаллангдан бошланади, деган сўз. «Бир болага етти қўшни ота-она» деймиз. Демак, бир маҳаллада юз хонадон яшаса, ҳаммамиз бир-биримизнинг тақдиримиз учун жавобгармиз.

Ўтган кунларимизни эслайман. Ўн-ўн беш йиллар нари маҳалла қўмиталари номига сайланарди. Қўмита раислари маърака боши эди. Бугунга келиб ўз ўзини бошқариш органлари — маҳалланинг оқсоқоллари барчага маънавий ота саналади. Бир вақтлар маҳалланинг бир оғиз сўзи билан ҳисобланадиган пайт келармикин, деб ўйлар эдик. Бугун одамларнинг ижтимоий ҳимояси масаласида маҳалланинг ўрни жуда ҳам эътиборли эканини таъкидлаш жоизмикин?!

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг тузилиши, унга катта имтиёзлар берилиши кеча орзумиз эди. Бугун ҳаммасини кўряпмиз. Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг неъматлари.

**2.** Энг улуғ неъмат — тинчлик дейман. Чунки юртимиз тинч эканки, шўролар даврида деярли хом хаёл бўлган муқаддас Ҳаж арконларига бориб келяпмиз. Юртимиз тинч эканки, Қурбон ҳайити, Рамазон ҳайити, Наврўз, Меҳржон, Мустақиллик сингари азалий, миллий байрамларимизни эмин-эркин ўтказмоқдамиз. Юртимиз тинч эканки, фарзандларимиз жаҳоннинг манаман деган давлатларида ўқиб, касб эгаси бўлиб келяптилар.

Тинчликнинг қадрига етмаган, юртимиздаги буюк ўзгаришларга лоқайд бўлиб четда турган кимсалар; бизнинг оромимизни бузиб, қўлига қурол олган, ёшларимизни адаштирган кишилар халқнинг, Оллоҳнинг қаҳрига учрайди, албатта. Бизнинг тинчимизни бузмоқчи бўлганлар ором нималигини билмасин.

**3.** Мен нима ҳам дердим. Асосий вазифамиз — авлодимизни юртга фидокор кишилар бўлиб етишишида жонбозлик қилишимиз керак. Шу йўлда озми-кўпми юмушларни бажараётганлигимдан жуда хурсандман. Айни пайтда маҳалланинг барча юмушлари, барча тадбирлари мустақиллигимизнинг улкан қасрига битта ғишт бўлиб яраса мақсадимизга етган бўламиз.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

## БУЮКЛИГИНГ УНУТМА, АЁЛ

***АНГРЕНННИНГ Нуробод қўрғонидаги «Булбулча» болалар боғчасида бўлиб ўтган тадбир ана шундай номланди.***

Боғча ходимлари ва тарбияланувчилари тақдим этган рақслар гулдастаси, таниқли ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» асари асосидаги лавҳалар ва қўрғондаги хотин-қизлар ҳаётига оид муаммоларга бағишланган чиқишлар тўпланганларга манзур бўлди.

Аёллар ҳаётига оид қизиқарли топишмоқлар тарзида ташкил этилган ўйинларнинг суперютуқ учун эълон қилинган шартини бехато бажарган томошабинлардан бири Гуласал Ашуралиевага «енгил автомашина»нинг «калити» топширилди. Ягона нусхада тайёрланган қордек оппоқ рангдаги бу ихчам ўйинчоқ «енгил автомашина»ни Ашуралиева боғча тарбияланувчиларига тақдим этди.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси Ангрен шаҳар бўлимининг раҳбари Сокина Пошшахўжаева тадбирда иштирок этган кичкинтойларга ва тарбиячиларга эсдалик совғаларини топширди.

***Қудрат ОДИНАЕВ.***

## «ДЎСТЛИК»ДА ЎТМОҚДА...

***БУ йилги ёз мавсумида Бўка туманидаги «Дўстлик» болалар оромгоҳида 600 нафар ўқувчи дам олиши режалаштирилган эди.***

ТУМАН мактабларида сўнгги қўнғироқ чалинганидан сўнг 210 нафар ўқувчи ушбу оромгоҳга йўл олди. Энди эса улар ўз ота-оналари бағрига қайтди. Яна 240 нафар ўқувчи «Дўстлик»да ёзги таътилни ўтказиш учун отландилар. Оромгоҳдаги ўйингоҳ, теннис майдончаси, чўмилиш ҳавзаси болалар ихтиёрида.

Кундузи тўгаракларда машғулотлар ва турли спорт мусобақалари қизғин давом этса, кечқурунлари қизиқарли кечалар ва концерт дастурлари намойиш қилинмоқда.

***Самад САРИМСОҚОВ.***

## КОЛЛЕЖЛАР ҚУРИЛИШИГА

***КОЛЛЕЖЛАР ва қишлоқ шифокорлик пунктлари давримизнинг зарбдор қурилишлари ҳисобланади. Улар таълим-тарбия ишларини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни замон талаби даражасига кўтаришга хизмат қилади.***

Уларнинг бунёд этилишига бинокорлик ашёлари етказиб бераётган корхоналарнинг бири Қуйичирчиқ туманидаги 3-очиқ турдаги қишлоқ ҳиссадорлик қурилиш жамиятидир. Бу корхонада темир-бетон буюмларининг аксарият кўпчилиги уларнинг буюртмаси асосида ишлаб чиқариляпти. Шу йилнинг ўтган биринчи ярмида иншоотлар қурилишига 12 миллион 300 минг сўмлик 1,6 минг куб метр темир-бетон маҳсулотлари етказиб берилди. Жамият жамоаси шу кунларда мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллигини муносиб нишонлашга ҳаракат қилмоқда.

***Умиджон АҲМЕДОВ.***

## ЁЛҒИЗЛАРГА МЕҲР-ОҚИБАТ

***ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг маданият саройида «Уйда намунали ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича йилнинг энг яхши ходими» вилоят кўрик-танлови ўтказилди.***

КЎРИК-ТАНЛОВДА вилоятнинг 21та шаҳар ва тумани ижтимоий таъминот бўлимларидан биттадан вакил иштирок этди. Уларнинг касб маҳоратларини талабчанлик билан баҳолаб борган нуфузли жюри аъзолари оккўрғонлик ходим Шоира Аҳмедованинг билимига энг юқори баҳо бердилар. Юқоричирчиқлик Раъно Зокирова билан қибрайлик Машкура Мусаева-ларга иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди. Уларга кўрик-танловнинг махсус совринлари тақдим этилди. Шунингдек, танловнинг барча қатнашчиларига рағбатлантирувчи совғалар топширилди.

Шоира Аҳмедова август ойида ўтказиладиган республика кўрик-танловида вилоят номидан иштирок этади.

***Сардор РИХСИЕВ.***

*«Галла-99»*

## ҚИБРАЙ ХИРМОНИ

Ҳар йилгидек, бу йил ҳам қибрайликлар 2400 гектар майдонда меҳр билан ғалла ўстирдилар. Ўрим-йиғимга уюшқоқлик билан киришилди. Давлат буюртмаси ўтган йилдагига қараганда бироз кечроқ бўлсада, бажарилди. Давлатга 7535 тоннадан ортиқ ғалла топширилди. «Маданият», Туроб Нормуҳамедов номли, «Байтқўрғон», «Бўриота», Жомий номли хўжаликлар мўлжалдагидан анча ортиқ маҳсулот топшириб,, ютуққа муносиб ҳисса қўшдилар.

Туманда ўрим давом этмоқда.

## ПАХТАЧИЛИК: ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛА

### Эндиги вазифа кўсакларни зараркунанда хашаротларга олдириб қўймай, ҳосилни тўла сақлаб қолиш чораларини кўришдан иборатдир

***БУ ЙИЛ вилоят бўйича 108 минг гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. Республика ҳукуматининг «1999-2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида»ги Қарорига амал қилинган ҳолда туманларда кўпи билан икки ҳил, хўжаликларда бир ҳил нав экилди. Вилоят бўйича эса асосан тўрт ҳил навли пахта жойлаштирилди.***

Шундан асосий майдонларни яъни 46 минг гектардан зиёд ерни «С-6524» нави эгаллади. Бу нав пахтанинг толаси тўртинчи типга мансуб бўлиб, саноатбоп ҳисобланади. Шу боис харид нархи ҳам юқори юради. Бундан ташқари 23 минг 321 гектарга «Фарғона-3», 15 минг 635 гектарга «Наманган-77», 11 минг 672 гектарга «Тошкент-6» навлари экилган. Бешинчи тип тола берадиган ушбу навлар серҳосиллиги жиҳатидан «С-6524» навига тенглашиб қолади.

Демак, айтиш мумкинки, кўп йиллик тажриба-синовлардан келиб чиққан ҳолда вилоятнинг уч-тўрт ҳил минтақавий иқлим шароитларига мос келадиган навлар тайёрланган ва улар тўғри жойлаштирилган. Бироқ ҳар қайси нав ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, шунга яраша алоҳида агротехник ишлов талаб этади. Агар ушбу тадбирлар ўз вақтида ва маромига етказиб амалга оширилмаса, навнинг имконияти даражасида мўл ва сифатли ҳосил олиб бўлмайди. Бунинг устига об-ҳаво ҳам бекарор келяпти. Ёз чилласида ёққан ёмғирнинг деҳқондан қўшимча чора-тадбирлар кўришни талаб этиши табиий ҳол.

*Шу кунинг мавзусида*

Бу йилги ана шу шароитлар ҳисобга олинган ҳолда вилоят бўйича барча майдонлардаги ғўзалар беш марта культивация қилинди, икки марта озиқлантирилди. Айрим майдонлардаги ғўзаларнинг ривожига қараб, 10 июлгача учинчи озуқа ҳам берилди. Ўқтин-ўқтин бўлиб турган кучли ёмғирларни ҳисобга олган ҳолда ғўзалар 1,5 марта суғорилди.

Барча агротехник тадбирлар оби-тобида бажарилаётгани боис ғўзанинг умумий ривожи, ҳосил тўплаши чаккиси эмас. Шу ҳафтанинг бошидаги ҳолатга кўра вилоят бўйича 63 минг 240 гектар ёки жами пахта майдонининг 58,6 фоизида ғўзалар ёппа гуллаган. Таққослаш учун айтиш жоизки, ўтган йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 53,1 фоиз эди. Ғўзанинг ривожи Бекобод, Янгийўл, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ туманларида, айниқса, яхши. Бу ҳудудларда гуллаш даражаси 75-95 фоизга етди.

Энди ғўзанинг ҳосил тугишига келсак, мутахассисларнинг фикрига қараганда ўтган йилдагига нисбатан ёмон эмас. Масалан, ҳафтанинг бошидаги ҳисоб-китобларга кўра 32 минг гектардан зиёд ёки жами майдоннинг 34,3 фоизида 1-2тадан, 7,1 фоизида 3-4тадан кўсак ҳосил бўлган. Агар апрелнинг учинчи ўн кунлигида қарийб 51 минг гектар майдондаги ниҳолларни совуқ бутунлай нобуд қилганлиги ва шунча ерга қайта чигит экилганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, вилоят бўйича ғўзанинг ҳозирги ҳосил тўплаш суръати хавотирга ўрин қолдирмайди. Ҳолбуки, совуқ биринчи бўлиб экилган яъни ҳосили эрта пишиб етиладиган майдонлардаги ғўзани нобуд қилди. Демак, вазиятдан тўғри хулоса чиқарган вилоятимиз пахтакорлари офат келтирган зарарнинг ўрнини тўлдириш учун барча зарур чораларни кўрдилар.

Бироқ вилоят пахтазорларида кўнгилдагидек ҳосил тўпланаётгани хотиржамликка асос бўлмаслиги керак. Чунки, юқорида таъкидланганидек, об-ҳаво сербулут, дим бўляпти. Бундай шароитда, айниқса, шира кучли хуруж қилади. Бундан ташқари ғўзалар кўсак бойлаётгани муносабати билан ҳозир кўсак қурти айни кўпаядиган пайт. Шунинг учун ушбу зараркунандалар хуружини вақтида бартараф этиш мақсадида ОВХ аппаратлари, кимёвий дорилар ва бошқа мавжуд воситаларни хашаротларга қарши курашга тахт қилиб қўйиш, кузатувчилар эса ҳар куни дала айланишлари, зараркунанда пайдо бўла бошлаган участкаларни аниқлашлари ва улар кўпайиб кетмасиданоқ қириб ташлаш чораларини кўриш зарур.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу йил август ойининг бошларидан майдонларни танлаб, ғўзани чеканка қилишга киришиш лозим бўлади. Чунки, ҳозир вилоят бўйича ғўзаларда ўртача 8-10та шох пайдо бўлди. Икки ҳафта давомида олди майдонларда 14-15тага етади. Демак, ғўза учларини чилпишда қўлланиладиган барча техника воситаларини ишга туширишга ҳозирданоқ шай қилиб қўйиш керак.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.***



# МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

# ҚИШЛОҚЛАРИМИЗДА УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР

Баъзан шундай саволга дуч келиб қоламиз: «шаҳар яхшими ёки қишлоқ?» Бунга турлича жавоб бериш мумкин. Табиийки, сершовқин шаҳарда диққинафас бўлган шаҳарлик сўлим, осойишта қишлоқ табиатига интилса, қишлоқда истиқомат қилувчи танишларимиз эса ўзининг жўн турмуш тарзидан қониқмай, гавжум шаҳарни орзу қилишини яширмайди.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасида тафовут ҳам кам эмас, албатта. Бироқ, назаримда ҳозир одамлар кўпроқ қишлоқ ҳаётини афзал кўришаётир. Тақдирини ер, деҳқончилик билан боғлаб, фаровон яшашга интилмоқда. Бу билан мен шаҳар ҳаётини камситмоқчи эмасман. Аксинча, мамлакатимиз аҳолисининг етмиш фоизи яшайдиган қишлоқда амалга оширилаётган ислоҳотлар аста-секин самара бера бошлаганини таъкидламоқчиман, холос.

Яқинда ўрта ёшлардаги ҳамкасбларимдан бири ўз режалари ҳақида гапираркан, шундай деб қолди: «Қишлоқдаги уйимга қайтмоқчиман. Шахсий хўжалигимни тиклаб, мол-ҳол қиламан, хўжаликдан ер олиб экин экаман...» Дарҳақиқат, қишлоқда яшасанг сут-қатиқ, мева-чева бемалол. Ортиқчасини бозорга чиқарсанг, бир дунё пул. Деҳқончиликда озгина тиришсанг, даромаднинг тагида қоласан. Бу гапнинг лофи йўқ. Чунки, ёз бўйи деҳқончилик қилиб кузда «Нексия» ёки «Тико» минаётган, тўй қилиб қиз чиқараётган, ўғил уйлантираётганлар камми? Зеро, бугун қишлоқ ҳаётига барака кирмоқда.

— Ростини айтсам, ҳозир ишлаш, хўжаликни бошқариш осон бўлиб қолди, — дейди Соғлом ака Балашов. Суҳбатдошим — кўп йиллар катта раҳбарлик лавозимларида ишлаган, айни пайтда Оҳангарондаги Собир Раҳимов номидаги хўжаликни бошқариб келаётган кўпни кўрган инсон. Хўжалик юритишнинг илғор шакли — оила пудрати, чек усулини бир неча йил илгари биринчилардан бўлиб қўллаб, бу борада салмоқли тажриба тўплаган хўжалик аъзолари бу йил ўз жамоаларини яна янги мулк шаклига ўтказишди — қишлоқ хўжалик ширкатига айлантиришди. Бу ерда ҳар йили минг гектар майдонга ғалла экилади. Туман, ҳатто вилоят бўйича ҳам энг кўп тўрт минг тоннага яқин дон етиштирилади.

Хўжаликда экин майдонлари деҳқон оилаларига имкониятига қараб бўлиб берилган. Масалан, ёш ғаллакорлар Абубакир Адамов бу йил 20 гектар ерда буғдой парваришлади. Хўжалик билан ўртада шартномаси бор. Шунга кўра ҳар гектар ердан 37 центнердан жами 74 тонна дон топшириши керак. Абубакир ерга, экинга ўз мулкидай қаради. Зарур бўлганда кечалари сув кечиб, буғдойни суғорди, кўриқлади. Натижа чакки эмас. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ҳосилдорлик ўртача 55-60 центнерни ташкил этмоқда. Табиийки, шартномадагидан ортиқча маҳсулот ғаллакор оиласида қолади. Шундай экан, хўжалик раҳбари таъкидлаганидек, деҳқонни ҳар куни яхши меҳнатга даъват этиш, ҳар доим тепасида туришга ҳожат бормикан? Аксинча, унинг ўзи даладан бери келмай қолди.

Хўжаликда чорва боқилади, сабзавот етиштирилади. Бу экинлар ҳам одамларга тақсимлаб берилган. Бош пудратчи Пиримқул Нажмиддиновнинг ихтиёрида юз гектарга яқин ер бор.Шунинг ярмидан кўпига дон учун маккажўхори экилган. Оилавий пудратчилар эса ҳозирда бўйи қарийб икки метрга бориб, думбул тугиб қолган экинни обдон парваришлаётир. Гектар бошига 30 центнердан дон топширишса бўлгани. Қолгани — ўзларига. Ҳар ойда тегишли миқдорда аванс пули олиб туришибди. Қолаверса, хўжалик аъзоларига берилган талай имтиёзлардан беминнат фойдаланишмоқда. «Кўп танишларим олдимга келяпти, ер беринг, мен ҳам деҳқончилик қилай деб, ҳоли-жонимга қўйишмаяпти», дейди Нажмиддин ака. Чунки қишлоқда ишлаш, деҳқончилик қилиш мароқли, сердаромад соҳа бўлиб боряпти, бошқача айтганда, бу ерда одамлар эркин меҳнат қилиши, фидокорлик билан ишлаб, турмушни яхшилаши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун бугун барча эшиклар очиб берилган. Бу эса ўзўзидан бўлаётгани йўқ.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ бўлгани учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бу соҳага жиддий эътибор берилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов бу борада оқилона сиёсат юритмоқда. Энг асосийси, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосда қайта тикламасдан туриб мамлакатда ислоҳотлар самарадорлигига эришиш мумкин эмаслиги ўз вақтида тушуниб етилди. Зеро, мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқларда истиқомат қилгани билан аҳолининг 50 фоизини 18 ёшга етмаган ёшлар ташкил этади. Бу энг катта ишчи кучи қишлоқда эканини, иқтисодиётда етакчи тармоқлардан бири ҳам қишлоқ хўжалиги эканини кўрсатади.

Ёдингизда бўлса, 1992 йилдан бошлаб давлат хўжаликлари бошқа мулк шаклларига айлантирила бошланди. Қисқа вақт мобайнида совхозлар жамоа хўжаликлари, кооперативлар сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бир ярим мингдан ортиқ қорамолчилик фермаси меҳнат жамоаларига хусусийлаштириб берилди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришида давлатга қарашли бўлмаган сектор улуши эса бугунги кунга келиб 97 фоизга етди. Бир сўз билан айтганда, айни пайтда жамоа хўжаликларининг чинакам кооператив моҳияти тикланди. Биз юқорида номини тилга олган хўжаликда одамларнинг меҳнат қилишга тобора кўнгилли равишда отланаётгани, маҳсулот ишлаб чиқариш ва даромаднинг кўпайиб бораётгани сабаби ана шунда бўлса керак.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида бугун туб ўзгаришлар рўй бераётгани, қишлоқ ҳаётининг фаровонлашиб бораётганининг яна бир сабаби бор. Бу тармоқ ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириб бориш билан бевосита боғлиқ. Бу борада ҳам талай эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хўжаликлар эркин иқтисодий фаолият юритиш ҳуқуқидан фойдаланмоқда. Улар ерга қандай экин экиш борасида мустақил. Давлат эса фақат пахта ва ғаллагагина буюртма бермоқда. Диққатга сазовор томони шундаки, бу икки стратегик аҳамиятга эга маҳсулотга давлат буюртмаси ҳам йилдан-йилга камайтириб бориляпти. Мавжуд пахта майдонлари сезиларли даражада қисқартирилди, ризқ-рўзимиз бўлган донли экинлар етиштириш эса кўпаймоқда.

Қишлоқ одамлари фақат хўжаликлар билан боғланиб қолаётгани йўқ. Улар бугунги кунда мустақил деҳқон хўжалиги юритиш ҳуқуқидан ҳам кенг фойдаланмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Президентимиз Фармони билан одамларга шахсий томорқа учун қўшимча 550 минг гектар суғориладиган ер ажратиб берилди. Айни пайтда тўққиз миллиондан ортиқ юртдошимиз шундай ерларда шахсий хўжалик юритиб, ўз меҳнати натижасидан баҳраманд бўлмоқда. Бугун бозорларимиз тўкин, серобчилик, арзончилик экан, буни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши юксалиб, тармоқда чинакам бозор муносабатлари қарор топиб бораётганидан деб билмоқ керак.

Қувончлиси шундаки, мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати қишлоқ хўжалигини юксалтиришга доимий ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Тармоқда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида қатор фармонлар чиқяпти, тадбирлар белгиланяпти. Ўтган йили Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Қишлоқ хўжалик ширкатлари тўғрисида», «Фермер хўжаликлари тўғрисида» ва «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлар ана шулар жумласидан бўлиб, бу ҳужжатлар тармоқда туб таркибий ўзгаришларга олиб келмоқда.

Республикамизда қишлоқ мулкдорларини шакллантириш билан бирга, бу ерда истиқомат қилаётган одамлар турмушини яхшилаш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил май ойида «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастури тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Бугунги кунда ана шу дастур изчил ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Натижада, қишлоқларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, ҳаёт эса тобора файзли бўлиб бормоқда. Яна юқорида тилга олинган хўжаликдан мисол келтирай. Бугунги кунда унинг ҳудудидаги олис тоғ қишлоқларига бир вақтлар одамларнинг тушига ҳам кирмаган нарса — табиий газ етиб борди. Барча касалликларни шу ернинг ўзида даволайдиган замонавий қишлоқ врачлик пункти аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Хўжалик қошида бир нечта кичик корхона фаолияти йўлга қўйилган. Қатор савдо шаҳобчалари, этикдўзлик, темирчилик устахонаси, учта чойхона хизматидан аҳоли мамнун. Қўшни шаҳарлар — Олмалиққа дейсизми, Ангренга дейсизми, автобуслар ғизиллаб қатнаб турибди.

Аммо ҳали бу соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳаётни янада эркинлаштириш борасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар талайгина. Жумладан, қишлоққа саноатни жадал олиб кириш керак. Ихчам корхоналар кўпайса, деҳқонлар етиштирган маҳсулотни шу ернинг ўзида қайта ишласа, ўзбек тупроғининг сабзавоту меваси жаҳон бозорига кириб борса, ана ўшанда қишлоқ одамларининг ҳақиқий имкониятлари янада кенгаяди.

*Неъмат ДУШАЕВ,*
*ЎзА мухбири.*

# ЁШЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИБ

***ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги Касаба уюшма қўмитасининг раиси Абдумажид Умировнинг иш режалари билан танишганимизда бу ерда ёшлар тарбиясига оид тадбирлар эътиборимизни тортди.***

— Ҳудудимизда истиқомат қилаётганларнинг аксарияти йигит-қизлар, — деди у. — Шу боисдан ҳам уюштириладиган концертлар, турли танловлар йўналиши, мазмуни уларнинг кўнгилларига мос бўлиши, пировард натижада самарали таъсир кўрсатишига кўпроқ аҳамият беряпмиз.

Бу ердаги Маданият саройида шу йил давомида ўтказилган «Фарзанд — оила кўрки», «Ибратли келинчак», «Қайнона — ўз онангдек она», «Фарзандингман, муқаддас Ватан!», «Ҳарбий хизмат — ҳаёт мактаби» каби мулоқот давралари, бадиий кечалар, кўриклар тўғрисида меҳнаткашлар илиқ фикрлар билдиришди.

— Кейинги пайтларда бинога одамлар сиғмайдиган бўлиб қолишди, — дейди ҳайдовчи Сайриддин Малиев, — чунки ҳар бир учрашув қизиқарли ва мазмунли ўтмоқда. Хусусан, мен ўзим «Фарзанд — оила кўрки» деб номланган саҳна кўрсатувидан тўлқинланиб чиқдим. Унда бир ноқобил боланинг ота-онасига бўлган қўполлиги ҳақида гап боради. Қўшнилар, маҳалла фаоллари ёрдамида ўсмир оила соҳибларидан ўкинч билан кечирим сўраганида бир мен эмас, бошқалар ҳам кўз ёшларини тиёлмадилар. Афсуски, ҳамиша ҳам маҳалла-кўйда йўлидан тойган инсонга шундай муносабатда бўлишавермайди. Бу саҳна кўринишидан кўпчилик сабоқ чиқариб олишига ишончим комил.

Маданият саройи директори Ҳакимжон Тўйчиев бизга бадиий ҳаваскорлар чиқишлари тўғрисида гапириб берди. Бу йилги қўшиқ байрамида Ҳайрулла Мирғиёсов бошлиқ «Висол» гуруҳи ижрочилик маҳорати бўйича туманда биринчи, вилоятда учинчи ўринни олибди. Корейс халқ оғзаки ижодиёти бадиий гуруҳи «Арера» эса ўтган йили Марказий Осиё Республикалари бўйича ўтказилган «Ягона оилада — ранг-баранг қўшиқлар» фестивалида биринчи ўринни эгаллаган экан».

Касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан очилган спорт шохобчаларида ҳам яхши натижаларга эришилмоқда. «Гулистон»ликлар каратэ, волейбол, стол тенниси бўйича вилоят миқёсидаги мусобақалардан ҳамиша совринлар билан қайтишмоқда.

— Шу йил 16 февралда бўлиб ўтган воқеалар ҳар биримизни огоҳликка даъват этади, — деди суҳбатимиз нихоясида қўмита раиси, — шунинг учун ҳам ҳамиша ҳушёр бўлишимиз, мустақиллик туфайли эришилган ютуқларнинг қадрига етишимиз ва уларни мустаҳкамлашимиз зарур.

Шу маънода хўжаликда ёшлар орасида олиб борилаётган ишлар чиндан ҳам ибратлидир.

*Шерзод НАСИМОВ.*

# ЯНГИ АСРГА ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

***БАҒРИДА 150 мингга яқин киши истиқомат қилаётган туманимизнинг мустақиллик йиллари ичидаги тараққиёти ҳолида барча соҳаларда изчил олиб борилган ислоҳотлар, бунёдкорлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш омиллари алоҳида ўрин тутади. Бу борадаги фаолиятимизда бизга Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорлари муҳим таянч бўлмоқда. Улар асосида туманда, аввало бошқарув тизимини такомиллаштиришга эътибор кучайтирилди.***

Айни пайтда ҳокимлик иш услубида ҳам ўзгаришлар қилинди. Йиғилишларни ихчам ва аниқ вазифалар бўйича ўтказиш, жамоалардаги камчиликлар, аҳоли талаб ва истаклари билан боғлиқ масалаларни жойига бориб ҳал этиш одат тусига кирди.

Ислоҳотлар жараёнида кўпгина хўжаликларда мулк шакли ўзгарди. Бунда биз шошма-шошарликка йўл қўймасликка ҳаракат қилдик. Бошқарув аъзолари, механизаторлар билан бамаслаҳат иш юритилди. Иқтисодий кўрсаткичлар, кишилар кайфияти батафсил ўрганилди. Қабул қилинган қонунлар асосида улар танлаётган мулк шаклининг мазмуни, моҳияти нимадан иборат эканлиги аҳолига чуқур тушунтирилди. Ҳозирги пайтда туманда 3та ширкат хўжалиги, 3та очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, 11та деҳқон-фермер хўжаликлар уюшмаси, 45та ҳусусий фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси бу йил давлатга 26 минг тоннадан зиёд ғалла, 36 минг 300 тонна пахта сотиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳаётимизда рўй берган янгиликлар кишиларда масъуллик туйғусини кучайтирди. Уларда ерга муносабат тубдан ўзгарди. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Туманимиздаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида бир неча йил бригада бошлиғи бўлиб ишлаб келган Эрмат Усмонов тўрт йил аввал фермерлик йўлини танлаган эди. У ҳозир 240 гектар майдонда пахта, ғалла, беда, сабзавот, шоли етиштирмоқда. Фермер ер эгаси бўлгандан кейин яхши ютуқларга эришди. Ўтган вақт ичида 120 гектар майдонда пахта ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 7 центнерга ошиб 34 центнердани ташкил этди. Юз гектар ердаги ғалла ҳосилдорлиги 5 центнерга, сабзавот эса 13 центнерга кўпайди. Фермер билан шартнома тузилгунга қадар ҳар бир дала меҳнаткашининг ўртача ойлик маоши 4-5 минг сўм атрофида эди, эндиликда 15 минг сўмданга тўғри келмоқда.

Эрмат ака бақувват мулкдорлар сафидан ўрин олди. Унинг иккита «Алтай», 2та ҳайдов, 3та юк ташишга мўлжалланган тракторлари, транспорти, сеялкалари, плуглари бор. Шу йилнинг ўзида ғалладан 45 центнердан ҳосил етиштирди. Яқинда вилоят қишлоқ туманларининг барча ҳокимлари, хўжаликлар раислари фермер даласида бўлиб, унинг мутлақо ўтдан ҳоли, саранжом-саришта яшнаб турган пахтазорларини, дуркун ғўза тупларидаги бўлиқ кўсакларни ҳавас билан томоша қилдилар. Ер ўз эгаси қўлига топширилса, деҳқон мўмай даромад эгаси бўлишига яна бир бор ишонч билан қайтдилар.

Ҳудудимизда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 2,5 минг хонадон янги уйларга кўчиб ўтди. Туманни ғазлаштириш 97,8 фоизни, ичимлик суви билан таъминлаш 65 фоизни ташкил этди. Шифохоналар ёнига ўтган йили 8та қишлоқ врачлик пунктлари қўшилди, мавжуд 74та мактаблар сони яна учтага ортди.

Истиқлол йиллари ичида эришилган натижалардан яна бири далада ишлаётганларнинг анчагина қисми ташкил этилган қўшма корхоналарга жалб қилинганлигидир. Бошқача айтганда, қишлоққа саноатнинг кириб келиши туфайли кейинги икки йил мобайнида 8 мингдан зиёд ишчи ўринлари очилди. Умуман, ҳозирги пайтда туманда 14та саноат корхонаси, 6та қўшма корхона, 45та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалигида рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида деҳқон меҳнатини қудратли техникасиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, биз сўнгги йилларда бу йўналишдаги моддий базани мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўрдик

Маълумки, барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлатимизнинг туб мазмуни аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир оиланинг турмуш тарзини яхшилаш, ундаги ҳар бир шахсни баркамол инсон қилиб тарбиялашга қаратилган. Ижтимоий ҳимоя, маданий-маърифий, маънавий йўналишдаги ишлар ана шунга хизмат қилмоқда. Туманда пенсия, нафақалар ўз вақтида берилиши, байрамларда кам таъминланганлар, ногиронлар, етим-есирлар моддий йўқлаб турилишидан ташқари, қатор хўжаликлар ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб дала меҳнаткашлари, ўқитувчилар, шифокорларни қўшимча тарзда ижтимоий муҳофаза этишни йўлга қўйганлар. Хусусан, Акмал Икромов номли, Охунбобоев номли, «Ҳақиқат йўли», «Қайтмас» хўжаликлари бошқарувлари кўрсатаётган ғамхўрлик шулар жумласидандир.

Бу жамоалар кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида мактаблар, мактабгача муассасаларни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

Мазкур ҳудудлардаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан биргаликда сермазмун тадбирлар ўтказилмоқда. Бу тадбирларга бошқош бўлаётган фуқаролар йиғинлари фаоллари, хўжаликлар, мактаблар раҳбарлари 16 февраль воқеаларидан хулоса чиқарган ҳолда ёшлар орасида тарбиявий ишларни кучайтирмоқдалар. Президентимизнинг Республика Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзлаган нутқи, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавоблари кенг тарғиб қилинмоқда.

Жойларда маънавият, тарбия билан боғлиқ ишлар изчил олиб борилмоқда. Уларда фарзандларимизда Ватанга садоқат, аждодларимиз меросига ҳурмат, мамлакатимизнинг буюк келажагига ишонч, меҳнатсеварлик туйғусини шакллантиришдек муҳим вазифалар ўз ифодасини топган.

Биз бундан буён ҳам Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деб номланган маърузалари ва бошқа нутқлари, суҳбатларидан келиб чиқиб, туман меҳнаткашлари ўртасида олиб бориладиган ишларнинг шаклларини кенгайтириш, уларнинг маданий савиясини кўтаришга аҳамият бераверамиз. Зеро, жамиятнинг ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетиши шу жамият аъзоларининг маданий қиёфаси, салоҳияти билан белгиланади. Хуллас, бутун саъй-ҳаракатимиз халқ хўжалиги борасида давлат топшириқларини юқори кўрсаткичлар билан адо этишга, ислоҳотларни изчил амалга оширишга, турмуш тарзимизни янада фаровонлаштириш ва маънан бойитишга қаратилади.

*Қаюмбой ДЕҲҚОНБОЕВ,*
*туман ҳокими.*

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» йўқламаси: ЎРТАЧИРЧИҚ

*«АНА-ТЕКСТИЛ ЛТД» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга йилдан-йилга талаб ошиб бормоқда. Бу жараёнда тўқув цехи ишчиси Шоира Холматованинг ҳиссаси катта.*

*Суратда: Шоира Холматова.*

## ЙИЛЛАР ФАЗИЛАТИ

- РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тумандаги «Ҳақиқат йўли», Акмал Икромов номли, «Қайтмас», «Истиқбол» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари асосида пахта уруғчилиги бўйича вилоятда ягона «Ҳақиқат» акциядорлик уруғчилик корпорацияси ташкил этилган.
- ТУМАНДА халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1998 йилда 54,5 фоизга ўсди ёки 1 миллиард 66 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот савдо шаҳобчаларига жўнатилди.
- ТУМАНДА 13та фуқаролар йиғинлари бор. Уларни малакали, билимдон, ҳаётий тажрибага эга бўлган кадрлар бошқармоқдалар.
- ТУМАНДАГИ 46та болалар боғчалари 3300 нафардан кўпроқ кичкинтойларни ўз бағрига олган.
- ТУМАН аҳолисига 7та касалхона, 24та поликлиника, 24та фельдшер-акушерлик пункти, 10та қишлоқ шифохонаси, 8та қишлоқ врачлик пунктлари тиббий хизмат кўрсатмоқда.
- 13ТА маданият саройи, 13та клуб, 49та сартарошхона, 7та ҳаммом, 43та пойабзал устахонаси меҳнаткашлар хизматида.

# ХАЛҚАРО БОЗОРДА ХАРИДОРГИР

ЯШИРМАЙ айта қолай, Кабул-Ўзбек текстил компанияси иш бошлаганидан буён ўтган уч йил ичида бақувватлашиб кетди. Ҳар йили ўртача 20 минг тоннадан зиёд калава ип, 12 минг погон метрдан ортиқ хом сурп ишлаб чиқарилаётган корхонамизда вилоятимизнинг турли шаҳар ва туманларидан келган 2350 нафар йигит-қизлар меҳнат қилмоқда.

Улар учун барча қулайликлар яратиб берилган.

Мени яна бир нарса қувонтиради. Ўтган вақт ичида барча мураккаб жараёнларни маҳаллий мутахассислар ихлос билан эгалладиларки, бунга компания бошқаруви раиси Квон Енг Рок ҳам қойил қолиб: «Жанубий кореялик усталардан булар ўтиб кетдилар», деб миннатдорчилик билдирди. Шу боис, хорижлик мутахассисларнинг кўпларини юртларига қайтардик.

Маҳсулотимиз жаҳон бозорида ҳаридоргир. Оврупо мамлакатлари, Жанубий Корея, АҚШ доимий мижозимиз ҳисобланади. 1997 йилда уларга 37 миллион, ўтган йили эса 48 миллион АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот сотилди. Корхонада ҳар бир кишининг ўртача ойлиги 11-12 минг сўмни ташкил этмоқда.

Истиқлол йиллари мобайнида қад кўтарган корхонанинг туман бюджетини тўлдиришдаги ҳиссаси ҳам салмоқли. 1998 йилнинг ўзида биз коммунал тўловлари учун 200 миллион сўм солиқ тўладик. Бу мисолни келтиришимдан мақсад қўшма корхоналар қанчалик кўпайса, ишчи ўрни очилиши томонидан ҳам, туман бюджети маблағ билан таъминланиш борасида ҳам фойда кўрилади.

Жамоа муваффақиятини «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси кўрсатаётган мунтазам ёрдам, темир интизом, ўзаро аҳиллик, ишга оқилона муносабат таъминламоқда. Меҳнатга бундай ҳалол ва сидқидил ёндашув шерикларимизда катта ишонч уйғотди. Шу кунларда корхонани янада кенгайтириш устида ўйлаяпмиз.

*Абдухошим ШЕРАЛИЕВ,*
*Кабул-Ўзбек текстил компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари.*

# ДОННИНГ-НОННИНГ ҲАМ СОҲИБИ БЎЛДИК

НОН ва дон ҳақида, уларнинг қадри тўғрисида кўп ва хўп гаплар айтилган. Бу неъматларнинг қанчалик буюклигини яхши тушунаман. Чунки, эрта куздан бошлаб токи ҳирмонга ғалла тўкилгунга қадар, меҳнатим шу жараён билан боғлиқ. Деҳқон ерга сепган уруғи майсалаганда бир севинади, берган ишловидан кейин нафис ниҳоллар бўй чўзганда қувончи ичига сиғмайди. Бепоён даласида бошоқлар тўлишиб, сарғая бошлаганда, катта ҳирмонлар кўз олдига келиб, қалби меҳрга тўлади.

Бундай ҳис-ҳаяжонларнинг ҳаммасини бошимдан кечирганман. Лекин, бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Мамлакатимизда ғалла мустақиллиги учун ҳаракатларни бизга фақат истиқлол яратиб берди. Бундан биргина мен эмас, бутун жамоа ҳурсанд. Илгари остонамизнинг тагигача пахта бўларди. Мустақиллик деҳқонга ўз фаровонлиги йўлида бор қобилиятини ишга солишга йўл очди.

Биз бу йил хўжалигимизда 950 гектар майдонда ғалла етиштириб, гектаридан 35 центнердан ҳосил олдик. Давлатга режадагидан 135 тоннадан ортиқ ғалла топширилди. Бригадамизда ҳосилдорлик гектарига 47 центнерни ташкил этди.

Мавсум якунланаётганда бошқарувимиз раиси Анвар Каримов дала ишларига қўшаётган ишимизга қараб, қолган ғаллани одиллик билан тақсимлаш тадбирларини ўртамизга ташлади. Бу ҳаммага маъқул бўлди. Пахтакорлар парваришлаган гектарларига мувофиқ, механизаторлар ўрган майдонлари, бригадалар гектаридан олинган ҳосилдорликка қараб ўз улушларига эга бўлмоқдалар. Оиласи билан 10-15 гектар олган деҳқон хонадонига 2-3 тоннадан ғалла тўкилади.

Деҳқоннинг уйи буғдойга тўлдими, демак, унинг кайфияти ҳам баланд бўлади.

*Эркин ҲАЙИТХЎЖАЕВ,*
*Охунбобоев номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг бригада бошлиғи.*

*ТУМАНДАГИ «Ҳақиқат йўли» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг Рустам Жайлолов бошлиқ бригадасида пахта, ғалла билан биргаликда ҳар йили сабзавот, картошка ҳам етиштирилади.*

*Суратда: (чапдан ўнгга) сабзавоткор Ўктам Ўтанов, бригада бошлиғи Рустам Жайлолов ва Тўлқин Ўтановлар ўзаро суҳбатда.*

*Даврон АҲМАД олган суратлар.*

# ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

## Воқеалар тўлқинида

• ФРАНЦИЯДА мамлакат миллий байрами — Бастилия ишғол қилинган кун катта тантаналар билан нишонланди. Бундан 210 йил муқаддам — 1789 йил 14 июль куни халқ Бастилия қамоқ-қалъасини забт этган эди. Ўшандан буён ушбу сана Франция ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда.

• КИШИНЕВДА Молдово президенти Петру Лучински ва Тираспол маъмурияти раҳбари Игорь Смирнов ўртасида Днестрбўйи муаммоси юзасидан ўтказилган музокаралар ижобий натижа бермади.

• 14-15 ИЮЛЬ кунлари Арманистон президенти Роберт Кочарян расмий ташриф билан Польшада бўлди. У президент Александер Квасьневский билан долзарб халқаро масалалар хусусида фикр алмашди.

• УРДУН подшоҳи Абдуллоҳ ибн Ҳусайн бин Талол Италияга сафар қилди. Италия президенти Карло Адзело Чампи, бош вазир Массимо де Алемо, ташқи ишлар вазири Ламберто Дини билан бўлган учрашувларда икки давлат ўртасидаги алоқалар ва Яқин Шарқдаги вазиятни барқарорлаштириш муаммолари кўриб чиқилди.

• 23 ИЮЛЬ куни Киевда Украина ва Оврупо Иттифоқи ўртасида катта саммит ўтказилажаклиги эълон қилинди.

• ЛИТВА бош вазири Роландас Паксас амалий ташриф билан Финляндияда бўлди. Мулоқотлар чоғида у Литванинг Оврупо Иттифоқига қўшилиш жараёни билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

• ЖАНУБИЙ Корея ҳукумати биносида катта ёнғин чиқди. Оқибатда улкан бинонинг тўртинчи қаватига жиддий шикаст етди.

## ХАЙРЛИ ҚАДАМЛАР

ЯҚИНДА биз Жазоирдаги ижтимоий вазият ва ҳукуматнинг тинчликни барқарорлаштириш юзасидан олиб бораётган саъй-ҳаракатлари тўғрисида қисқача ахборот берган эдик. Эндиликда бу жараён авж ола бошлади. Бундан бир неча кун муқаддам Жазоир парламенти қуйи палатаси томонидан маъқулланган «Фуқаролар тотувлиги» қонуни алоҳида ўрин тутмоқда. Куни кеча эса мазкур ҳужжатни парламентнинг юқори палатаси бўлмиш — Миллат Кенгаши ҳам кўпчилик овоз билан маъқуллади. Миллат кенгашининг 144 сенаторидан 131 нафари «Фуқаролар тотувлиги» қонунини ёқлаб овоз берди. Бироқ, шундай бўлишига қарамай қонун умумхалқ референдумидан кейингина кучга киради. Бу тадбирнинг шу ой охирларига қадар ўтказилиши кутилмоқда.

«Фуқаролар тотувлиги» тўғрисидаги қонунни, энг аввало, Ислом қутқарув армияси жангариларига нисбатан қўллаш кўзда тутилган. Чунки, ушбу қуролли тузилма бундан икки йил муқаддам имзоланган қуролли қарама-қаршиликни тўхтатиш тўғрисидаги битимни шу кунгача бузмай келмоқда. Яқинда эса Ислом қутқарув армияси мамлакатдаги қуролли можарода иштирок этишдан бутунлай воз кечиши ва амалдаги ҳукуматни тан олишини маълум қилган эди. Шундан сўнг июль ойи бошларида президент Абдулазиз Бутефлика қамоқда ётган, бироқ, амалга оширилган террорчилик ҳаракатларига алоқадор бўлмаган бир неча минг кишини авф этди.

Шу тариқа мамлакатда осойишталик ўтнатиш бўйича қўйилган хайрли қадамлар катта умид туғдирмоқда. Жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳчилари бўлажак референдумда «Фуқаролар тотувлиги» тўғрисидаги қонун якдиллик билан маъқулланади, деб ишонч билдирмоқдалар.

## КАРГИЛ ҚИРҒИНИДАН СЎНГ

ҲИНДИСТОН ВА ПОКИСТОННинг олий даражадаги раҳбарлари кейинги кунларда Жамму ва Кашмир минтақасидаги қуролли можарони тинчитиш бўйича қатор тадбирларни амалга оширдилар. Лекин, уларнинг айримлари ижобий йўналишга ёрдам берса, айримлари оқибатсиз қолаверди. Яқинда Покистон ҳукумати навбатдаги хайрли қадамни қўйиб, Кашмирнинг Каргил минтақасига суқилиб кирган диний мутаассибларга эгаллаб турган ҳудудларидан тезда чиқиб кетишни сўради. Мазкур расмий мурожаатдан сўнг икки ораддаги ҳарбий ҳаракатлар бирмунча сусайди. Икки ойдан ортиқ вақтдан буён давом этиб келаётган урушнинг барҳам топишига илк умидлар туғилди.

Ўн кун муқаддам Покистон бош вазири Навоз Шариф АҚШга ташриф буюриб, президент Билл Клинтон билан Кашмир можаросини муҳокама қилди. Бироқ, АҚШ президенти бош вазирнинг ўйлаган ниятларини пучга чиқариб, Покистон тутаётган йўлни маъқул деб топмади. Шундан кейин Покистон ҳукумати юқоридаги қадамларни қўйишга мажбур бўлди. Эндиликда мужаҳидларнинг эгаллаб турган ҳудудлардан чиқиб кетиши «муқаддас уруш» ғоясига кучли зарба сифатида таъсир этиши турган гап.

## БУ дунёнинг ИШЛАРИ

• СЕРГЕЙ Хрущчев собиқ иттифоқ даврида КПСС Марказий Қўмитасининг биринчи котиби бўлган Никита Сергеевич Хрушчевнинг фарзанди. У бир неча йилдан буён Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилиб келаётган эди. Ракетасозлик соҳасида машҳур мутахассис бўлган С. Хрушчев АҚШда батамом қолишлик учун кўп уринди. Унинг саъй-ҳаракатлари, ниҳоят, яқинда ижобий натижа берди. Ўтган душанба куни 64 яшар С. Хрушчев ва унинг рафиқаси Валентина Голенко Америкага садоқат тўғрисида қасамёд қабул қилди. Бу тадбир Род-Айленд штатининг Провиденс шаҳрида бўлиб ўтди. Шу тариқа С. Хрушчев ва В. Голенко АҚШ фуқароси деган номни қўлга киритдилар.

• ЧЕЧЕНИСТОН ВА ДОҒИСТОН уламолар шўроси ўзининг фавқулодда мажлисида Россиянинг Кемерово вилояти губернатори Омон Тулеевни «ўлимга ҳукм этди». Бунга О. Тулеевнинг христиан динига ўтганлиги тўғрисидаги мишмишлар сабаб бўлди. Шундай бўлишига қарамай, губернаторнинг матбуот марказн бир неча кун лом-мим демади. Ниҳоят, куни кеча О. Тулеев бу шов-шувлар мутлақо ёлғон эканлигини айтиб, ўзга динга ўтганлигини рад этди.

## САЙЛОВ «ПОЙГА»СИ БОШЛАНДИ

САЙЛОВ ЎЗИ қизиқ бир нарса. Ҳеч бир мамлакатда бу жараён силлиққина ўтмайди. Айни кунларда Қирғизистонда ҳам ана шундай саъй-ҳаракатларни кузатиш мумкин. Бунга Қирғизистон сиёсий партияларининг сайловолди «пойга»сини бошлаб юборганликлари сабаб бўлди. 2000 йилда бўладиган президент ва парламент сайловлари учун сиёсий партиялар ҳозирданоқ аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Қирғизистон аҳолисининг 80 фоизи қашшоқликда кун кечирмоқда, — деб хабар беради «Кабар» ахборот агентлиги, — ҳокимият учун кўпроқ овоз олиш илинжида бўлган партиялар айни шу ҳолдан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

# ТЕЛЕ кўрсатувлар дастури

## ДУШАНБА, 19

### «Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги. «ЎзДЭУ Асака».
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Лирик тароналар».
10.00, 12.00, 14.00 ,18.00 Янгиликлар.

**Болаларнинг ёзги таътил кунларида:**

10.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
11.20 «Ҳайвон ўргатувчилар». Қисқа метражли бадиий фильм.
12.05 «Шоҳрух» клуби.
12.35 «Оламга саёҳат».
12.55 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
14.10 «Қонун ва биз».
14.40 «Етгил камолга». Спорт дастури.
15.00 «Бировнинг хати». Бадиий фильм.
16.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
17.00 «Ўйла, изла, топ».
17.35 «Сўнгги пушаймон».
18.10 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Денгиз итлари». Мультсериал. 12-серия.
18.35 «Орзулар қанотида».
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.05 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00,21.40 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
21.45 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 65-қисм.
22.35 «Ҳамкорлик ришталари».
22.55 Маънавият дастури.
23.55 «Ахборот».
00.25 «Мен билган, билмаган дунё».
00.50 «Мис фаришта». Бадиий фильм.
02.20-02.25 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Қувноқ учрашув», мультфильм).
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «О, ёшлигим».
19.50, 20.30, 23.30 Эълонлар.
19.55 «Ёшлар» телеканали намойиш этади: «Мерос. Леонардо да Винчи». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм.
20.35 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.55 Мусиқий лаҳза.
21.0 0 «Давр» ахборот дастури
21.30 «Муносабат»
21. 55 «Душанбада кўришгунча»
22. 15 «Ҳудуд». Сижжак қишлоғи.
22.40 «Сурур». Мусиқий дастур.
22.50 «Хаёл».
23.10 «Олам футболи».
23.35 Синема. «Инспектор Морс».
01.25 «Хайрли тун!»

### ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мультгўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Жаҳон жўғрофияси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.15 Телефакт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.45 «Спорт-тайм».
22.10 «Биз сизга бахт тилаймиз».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «Халқаро» телеканали

*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
15.55 «Клип-антракт»
*
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
*
17.00 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Ёзги ва қишки боғ». 1-серия.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
18.15 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
19.00 «Мисс Марпл». Детектив сериал.
20.00 «Время».
*
20.35 «Индаба». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Спорт клуб».
21.45 «Вақт хазинасидан».
22.00 «Вести».
22.30 «Клип-антракт».
22.40 Киносеанс. «Орзуга айб йўқ». Бадиий фильм.
00.05 «Ахборот» (рус тилида).
00.30 Тунги сеанс: «Қўрқув юзи». Бадиий фильм.
02.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## СЕШАНБА, 20

### «Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Сайҳун тароналари». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 65-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.

**Болаларнинг ёзги таътил кунларида:**

10.25 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.55 «Болаларга бахшида умр».
11.10 «Мактублар — кабутарлар».
11.40 «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
12.05 Кундузги сеанс: «Қойилмақом жиноят». Бадиий фильм.
13.35 «Қишлоқ ҳаёти».
14.10 «Денгиз итлари». Мультсериал. 12-серия.
14.35 «Маънавият» дастури.
15.35 Биржа ва банк хабарлари.
15.45 «Рақс, рақс, рақс».
16.15 «Малина виноси». Бадиий фильм.
17.45 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
18.10 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Денгиз итлари». Мультсериал. 13-серия.
18.35 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
19.05 «Қалқон».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35, 23. 55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Шеър ва шуур».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Дил изҳори».
21.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.50 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Хоразм вилояти.
23.30 «Ахборот».
24.00 Софокл. «Электра». Аброр Хидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
01.30 «Ёшлар ва эстрада».
02.10 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Бадиий фильм.
03.40-03.45 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 65-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.50, 20.30, 23.10 Эълонлар.
19.55 «Мерос. Леонардо да Винчи». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм.
20.35 «Марду-майдон». Аскар қўшиқлари.
20.55 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Истиқлолни куйлайман».
21.35 «Парламент».
21.45 Умаржон Маҳкамбоев куйлайди.
22.05 «Фидокор».
22.20 «Ёшлар» телеканалида.
22.25 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
22.35 «Мутолаа».
22.50 «Премьерадан сўнг».
23.15 Синема. «Қариндошлар».
01.00 «Янги тонг».

### ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мультгўплам.
18.25 Сен ҳақинда ва сен учун».
18.40 «Жаҳон жўғрофияси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ёшлар ҳудуди».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллигига. «Суҳбатдош».
21.45 Туризм ҳақида. Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Морена Клара» . Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Бинафша».
*
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
*
17.00 «Интернет ҳудуди».
*
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
*
18.15 «Спорт-клуб».
18.30 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Ёзги ва қишки боғ». 2-серия .
18.45 «Уорлднет» янгиликлари.
18.55 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
19.00 «Мисс Марпл». Детектив сериал.
20.00 «Время».
*
20.35 «Индаба». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «ТВ-4да немис тўлқини».
22.00 «Вести».
22.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Юртим».
*
22.50 РЖТ Москва кинофестивалининг очилиши.
*
23.50 Кинематограф. «Маклер». Бадиий фильм.
01.00 «Ахборот» (рус тилида).
01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ЧОРШАНБА, 21

### «Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Муштарак оҳанглар». Мусиқий дастур.
9.15 «Фавқулодда 20 дақиқа».
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал 3-серия
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Абитуриентлар, сизлар учун. Адабиёт.
10.25 «Меҳригиё».
10.45 Абитуриентлар, сизлар учун. Кимё.

**Болаларнинг ёзги таътил кунларида:**

11.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.35 «Шоирлар — болаларга».
12.05 «Қизиқарли учрашувлар».
12.35 Кундузги сеанс: «Қора ўқ». Бадиий фильм
14.10 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
14.45 «Денгиз итлари». Мультсериал. 13-серия.
15.10 «Сайқал».
15.30 «Ватанпарвар».
15.50 «Инсон ва қонун»га хатлар.
16.10 «Зилол». Мусиқий дастур.
16.30 «Битирув кечаси». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
17.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги. «Бутун дунё остида қанотлар».
17.45 «Жаҳон спорти».
18.10 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.25 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Фермер». Телетанлов.
19.05 «Тафтишми ёки таъма».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22. 00, 23.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим- тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиқларим сизга армуғон». С.Ўдаева.
21.35 «Тараққиёт йўли».
22.05 Ч.Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар». Видеофильм. 1-қисм.

**«Тунги ҳамроҳ».**

22.45 «Янгиланиш».
23.05 «Ғазалхон ёшлигим».
23. 40 «Ахборот».
00.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 66-қисм.
01.00 «Ёр васфи». Мусиқий дастур.
01.35 «Маҳбубим, азизим, суюклигим, ёлғизим». Бадиий фильм.
02.45-02.50 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

18.0 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Спорт майдончаси», Мультфильм)
18.35 «Болалар дунёси».
18.55 «Дил рози». Мусиқий дастур.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Ракурс».
19.55 «Мусиқий лаҳза».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.50 Эълонлар.
20.35 «Танишинг: Даврон Эргашев».
20.45 «Каталог».
20.55 «Ёшлар» телеканалида.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Мусиқий лаҳза».
21.35 «Баҳс».
22.00 «Рақслар қанотида».
22.20 «Аср қиёфаси».
22.35 «Ёшлар» телеканалида.
22.40 «Олис сафарлар иштиёқида». Хитой
22.55 Синема. «Тунги олов».
00.35 «Хит-коллекция».
00.55 «Хайрли тун!»

### ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт» . Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мультгўплам.
18.25 «Жаҳон жўғрофияси».
19.15 «Осойишталик фидойилари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Хусусийлаштириш : қадамбақадам.
20.20 «Нодир хазина». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўзгу». Тележурнал.
21.45 «Менинг Тошкентим».
22.15 «Эстрада концерти».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Мюзик-холл».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Хўтик карами». 1-қисм.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
18.15 «Инсон ва қонун».
19.00 «Мисс Марпл». Детектив сериал.
20.00 «Время».
*
20.35 «Индаба». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?».
21.30 «Дил изҳори».
21.45 «Сизнинг адвокатингиз».
22.00 «Вести».
22.30 Оскар мукофоти. 1938 йил. «Джезабель».
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 Тунги сеанс. «Полиция тарихи». Бадиий фильм. 1-серия.
02.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ПАЙШАНБА, 22

### «Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа билан сирлашиб». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 66-қисм.
10.00,12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Абитуриентлар, сизлар учун. Она тили.
10.25 Япон тили.
10.45 Абитуриентлар, сизлар учун. Математика.

**Болаларнинг ёзги таътил кунларида:**

11.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.20 «Севимли созим».
11.40 «Доно бобо даврасида».
12.05 Кундузги сеанс: «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.
13.15 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.40 «Куй ва тасвир».
14.10 «Озода бўлса шаҳринг».
14.30 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
14.55 «Ақл ёшдамас».
15.10 «Тасодифий қотил». Бадиий фильм.
16.30 Халқ ижодиёти. «Бозиргон». Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов.
17.00 «Маслак ва мақсад».
17.20 «Спорт-клуб».
17.35 «Нафосат». Тележурнал.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи».
18.30 «Дастурхон нонга тўлсин».
18.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.20 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти».
22.25 «Сомон йўли».
22.55. Ч.Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар». Видеофильм. 2-қисм.
23.35 «Ахборот».
00.05 «Кин-дза-дза». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.
02.25-02.30 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 66-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мезон».
19.45, 20.40, 22.55 Эълонлар.
19.50 «Мерос. Леонардо да Винчи». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм.
20.45 «Давр»-интервью.
20.55 «Мусиқий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Истиқлолни куйлайман».
21.35 «Фидокор».
21.50 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
22.00 «Ёшлар» телеканалида.
22.05 «Мутойиба».
22.35 «Мусиқий глобус».
23.00 Синема. «Дон Лучано».
00.40 «Спорт қитъаси».
01.10 «Хайрли тун!»

### ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мультгўплам.
18.25 «Жаҳон жўғрофияси».
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ханда дўкони».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Армуғон». Мусиқий дастур.
21.45 Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллигига. «Юксалиш».
22.00 «Яхши кайфият».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Юртим».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Хўтик карами». 2-қисм.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
18.20 «Эслашлари учун». Алексей Эйбоженко. Л. Филатов олиб боради.
19.00 «Мисс Марпл». Детектив сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Қайсарлар ва довюраклар». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «СНН -шоу».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Ракетачи». Бадиий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 Тунги сеанс: «Полиция тарихи». Бадиий фильм. 2-серия.
02.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ЖУМА, 23

### «Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Тоғлар тароналари». Ориф Одилхонов.
9.20 «Инсон — ҳаёт гултожи».
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 4-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Абитуриентлар, сизлар учун. Физика.
10.25 Немис тили.
10.55 Абитуриентлар, сизлар учун. Биология.
11.15 «Нигоҳ». Бадиий-публицистик кўрсатув.

**Болаларнинг ёзги таътил кунларида:**

11.35 «Шумтакалар». Мультсериал.
12.05 «Кўзгу».
12.35 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
13.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги. «Менинг Тошкентим».Премьера.
13.45 «Қишлоқ стадионларида».
14.10 «Шарқ тароналари».
14.30 «Сомон йўли».
15.00. «Талаб ва таклиф».
15.15 Кундузги сеанс. «Холодильникда кимдир бор». Бадиий фильм.
16.30 Халқ ижодиёти. «Бозиргон». Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов.
17.00 «Ҳамроз»(«Занжир»).1-қисм.
17.40 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Таянч нуқтаси».
18.45 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Гулбаҳор Сулаймонова куйлайди.
21.30 «Баркамол авлод орзуси».
22.05 Ч. Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар». Видеофильм. 3-қисм.
22.45 «Шарқ тароналари». II- халқаро мусиқа фестивали олдидан.
23.25"Ахборот».
23.55 «Битик».
00.20 «Уйимдаги бегона». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.
02.10-02.15 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Эркатой»).
18.25 «Талабалар шаҳарчаси».
18.45 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Ёшлар» телеканалида.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Далил ва шарҳ».
19.40, 20.35, 23.00 Эълонлар.
19.45 «Мерос. Леонардо да Винчи». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм.
20.40 «Саломат бўлинг» 4-кўрсатув.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.35 «Менинг орзуим».
21.40 «Азизим».
22.00 «Наволарда аён этсам_». Мусиқий дастур.
22.15 «Жаҳолат бекати».
22.30 «Телевикторина».
22.40 «Автосалтанат».
22.55 «Ёшлар» телеканалида.
23.05 Синема. «Жароҳатланган».
00.35 «Мунаввар тонг истаб».

### ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мультгўплам.
9.20 Кўнгил тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Фаровонлик бекати».
11.35 «Мусиқий сайёра».
12.35 Кинонигоҳ.
14.10-14.20 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мультгўплам.
18.25 «Жаҳон жўғрофияси».
19.10 «Кулишни унутманг» . Дам олиш дастури.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Серенада». Қисқа метражли бадиий фильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Яна бир учрашув».
21.45 «Рақслар жилоси».
22.15 Катталар учун эртак.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Тунчироқ.
00.25 Оҳанглар ва эълонлар.
00.35 Кинонигоҳ.
02.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «ТВ-4 да немис тўлқини».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 «СНН- шоу».
*
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
*
18.15 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Темир печка». 1-серия.
18.30 «Уорлднет» янгиликлари.
18.40 «Клип-антракт».
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.00 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
*
20.35 «Қайсарлар ва довюраклар». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Эътироф».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри. «Спартак». Бадиий фильм.
01.30 «Ахборот» (рус тилида)
01.55 Тунги сеанс: «Миллий балиқ ови хусусиятлари». Бадиий фильм.
03.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ШАНБА, 24

### «Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги. «Самога йўл».
9.35 Ҳидоят сари.
10.00 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
10.15 «Ҳаёт чашмалари». Жиззах вилояти мақомчилар ансамблининг концерти.
10.40 «Камолот сари».

**«Умид» намойиш этади:**

10.55 «Соғлом авлод учун».
11.15 «Қувноқлар даврасида».
11.35 «Кулгитерапия».
12.05 «Фан — тараққиёт негизи».
12.20 Кундузги сеанс: «Чегем ҳангомаси», Бадиий фильм.
13.40 « Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
14.15 Телевизион миниатюралар театри.
14.50 «Шарқнинг машҳур аёллари».
15.10 «Ринг». Спорт дастури.
15.45 «Қалбга яқин қўшиқлар». Мусиқий дастур.
16.20 «Шоҳ Эдип». Фильм-спектакль.
17.40 Болалар учун. «Фламинго».
18.00 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 21.00, 22.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Зиё».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаёти».
21.30 «Буюк келажак 2000». Телемарафон.
22.00 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
23.00 «Халқнинг кўнгли».
23.30 «Ахборот».

**«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.**

24.00 «Мусиқий саёҳат».
00.20 «Совун ўғрилари».Бадиий фильм.
01.45-01.50 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 65-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Дилбарим».
11.05 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.25 «Танишинг: Исроил Саидмуродов».
11.40 «Ёзги таътил». «Бинафшаранг шар». Бадиий фильм.
12.55 «Марду-майдон». Аскар қўшиқлари.
13.15 «Сир».
13.35 «Мусиқий глобус».
13.55 «Рамаяна». Телесериал.
14.30 «Муносабат».
14.55 «Мутолаа».
15.10 «Тарзан». Телесериал.
15.55 «Шу куннинг мавзуси».
16.15 Синема.
17.40 «Сенинг вақтинг».
***
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Жажжи гўзал»)
18.30 «Эски альбомдан».
18.35 «Равнақ».
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Матбуот».
19.50, 20.30, 22.40 Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Баҳс, мунозара, таҳлил».
20.55 «Мусиқий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
21.50 «Кутилмаган меҳмон».
22.15 «Эски альбомдан».
22.20 «Кинотақдим».
22.45 Синема. «Тароддуд».
00.10 «Шарқ тароналари».
00.30 «Хайрли тун!»

### ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтах тонги».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз».
9.40 «Ёрилтош». Мультгўплам.
9.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йилигига. «Ёшлар кўчасида».
10.20 Болажонлар экрани.
11.55 «Таянч».
12.15 «Бева Бланка». Телесериал.
13.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ибрат».
13.25 «Ёшлар ҳудуди».
13.55 «Дўстлик» видеоканали. «Дидар», «Бизнен мирас».
14.40-16.10 Кинонигоҳ.
*
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мультгўплам.
18.25 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
19.15 «Мисли гавҳар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Янги ой чиққан кеча».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳамшаҳарлар».
21.30, 22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
21.45 Тасанно.
22.45 «Даллас». Телесериал.
23.35 «Тунги пойтахт». Ахборот дам олиш дастури.
00.05 Оҳанглар ва эълонлар.
00.15 Кинонигоҳ.
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф. «Ракетачи». Бадиий фильм.
11.05 «Жонли сайёра».
11.20-11.40 «Культпоход».
***
17.40 Кўрсатувлар тартиби.
17.45 «Бинафша».
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 РЖТда XXI фестиваль. «Авлиё Януарий». операцияси» фильми.
20.00 «Время».
20.35 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
*
22.15 «5 дақиқа ўзинг учун».
22.20 «Дил изҳори».
22.40 Кинематограф: «Нирвана». Бадиий фильм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 Тунги сеанс: «Исканжада». Бадиий фильм.
02.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ЯКШАНБА, 25

### «Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Буюк келажак 2000». Телемарафон.
9.30 «Озод юрт одамлари».
9.45 «Ғаройибот».

**«Умид» намойиш этади:**

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Билим-ринг».
11.40 «Оқибат».
*
12.00 Кундузги сеанс. «Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари». Бадиий фильм.
13.30 «Шоҳрух» клуби.
14.00 «Бўстон». Тележурнал.
14.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Қўшиқ фестивали ғолибларининг концерти.
15.30 «Мозийдан бир мўъжиза».
15.45 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
16.30 «Яхши кайфият»
17.00 «Алп йигитнинг уйланиши». Бадиий фильм.
18.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин..
18.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, 22.25 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида».
21.55 «Оила». Тележурнал.
22.30 С.Зуннунова. «Қайнона». Теленовелла.
23.10 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс.

**«Аср мўъжизаси» кинодастури.**

23.25 Кино янгиликлари.
23.40 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
24.00 «Приццилар оиласининг шаъни». Бадиий фильм.
1-2-сериялар
02.00-02.05 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Якшанбада яхши дам».
9.40 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.30 «Дил рози». Мусиқий дастур.
10.40 «Инглиз тили сиз учун».
11.05 «Ёшлар» телеканалида.
11.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 66-қисм.
12.00 «Лаззат».
12.20 «Сиз севган хонанда: Ғиёс Бойтоев».
12.40 «Цирк, цирк, цирк».
13.00 «Баҳс».
13.25 «Ёзги таътил». «Финист-сарлочин». Бадиий фильм.
14.40 «Истиқлолни куйлайман».
14.45 «Синема-шоу».
15.20 «Рамаяна». Телесериал.
15.55 «Синфдош».
16.15 Синема.
17.40 «Хит-коллекция».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Болалар дам олиш масканларида», Мультфильм).
18.40 «Китоб жавонингизга».
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Бир жуфт қўшиқ».
19.45, 20.25, 23.25 Эълонлар.
19.50 «Рамаяна». Телесериал.
20.30 «Дунё ҳафта ичида».
20.50 «Мусиқий лаҳза».
20.55 «Каталог».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Эслаб-эслаб кулишайлик». «Мирза театр». намойиш этади.
22.35 «Очун».
22.55 Спорт дастури: 1.Спорт ҳафтаномаси. 2. Миллионлар ўйини.
23.30 Синема. «Касалхона».
00.50 «Тонг юлдузи».

### ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз».
9.40 «Латифа».
10.00 Болажонлар экрани.
11.30 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
11.50 «Бева Бланка». Телесериал.
12.35 «Дурдона».
13.00 «Тасанно» (такрор).
13.40 «Туризм ҳақида».
14.10 «Хориж ҳангомаси».
14.30-16.10 Такрорий фильмлар экрани.
*
17.55 «Якшанбадан-якшанбагача».
18.10 «Ёрилтош». Мультгўплам.
18.35 «Камолот сари».
19.05 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома».
20.05 «Ибрат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбадан-якшанбагача».
21.30 «Ватани севмоқ иймондандур».
21.50 «Даллас». Телесериал.
22.40 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
23.15 «Тунги пойтахт». Дам олиш кўрсатуви.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00 Кинонигоҳ.
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.10 «Парле ву франсэ?»
10.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
10.45 Кинематограф: «Миллий балиқ ови хусусиятлари». Бадиий фильм.
12.15 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили).
12.25-13.10 «Дўстлик» видеоканали. «Мавриди», «Рангинкамон».
***
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Тенгдошлар».
17.30 «Кинопрофи».
17.50 «Бу ажиб дунё».
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 Олтин серия. Василий Шукшин «Қизил бодрезак» фильмида.
20.00 «Время».
*
20.35 «Интернет» ҳудуди.
20.50 «Мюзик-холл».
21.10 «Буржлар башорати».
22.10 Лаки-Страйк намойиш этади. «Уолл-Стрит». Бадиий фильм.
24.00 «Таҳлилнома» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

*Муштарий илҳоми*

## ЭЛИМ

*Юртимизнинг оҳулари, шерлари бор,*
*Оҳудай қиз, шердай мағрур эрлари бор,*
*Қадоқ қўлли, манглайида терлари бор,*
*Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.*

*Даласида иш бошланар тонги билан,*
*Гурурлангум юртнинг олис донғи билан,*
*Дунё яшнар унинг ақл-онги билан,*
*Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.*

*Эрта баҳор не экса куз ҳосил олар,*
*Бойлик топса боласига бино солар,*
*Бурда нонни дўстлари-ла баҳам кўрар,*
*Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.*

*Қарори бир, тилаги бир, имони бут,*
*Дастурхондан аримайди барака-кут,*
*Кўнгли очиқ, виждони пок мисоли сут,*
*Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.*

*Чингизхоннинг қиличини синдирган эл,*
*Ўз элатин дунё қадар билдирган эл,*
*Бизга улуғ Туркистонни қолдирган эл,*
*Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.*

*Мана, бугун манглайига ҳумо қўнди,*
*Қайта элнинг юрагида имон унди,*
*Эркин олган эл бошида қуёш кулди,*
*Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.*

## МЕН СЕНИ ИЗЛАЙМАН

*Ҳаёт тўлқинларин гирдобларидан,*
*Турмушнинг ташвишу азобларидан,*
*Етиб бўлмас орзу-сароблaридан,*
*Ахтариб қалбимда роҳату лаззат,*
*Мен сени излайман, бахту саодат.*

*Сенмасми ҳеч инсон очолмаган сир?*
*Сенмасми дил истар илоҳий тасвир?*
*Инсон борки сенга шайдои асир,*
*Сенмасми жавобсиз қолган муҳаббат?*
*Мен сени излайман, бахту саодат.*

*Учолмас, кўкларга беқанот инсон,*
*Очолмас, сири кўп коинот инсон,*
*Ўзлигин англолмай одамзод хайрон,*
*Неча минг жумбоқлар қалбимда қат-қат.*
*Мен сени излайман, бахту саодат.*

*Ахтариб топганим бахт эмас, севинч,*
*Бугундан дил тўлмас, эртамдан илинж,*
*Умр ўтар бетинч, ташвиш тиқилинч,*
*Келар-келаверар навбатма-навбат,*
*Мен сени излайман, бахту саодат.*

*Ҳаёт тўлқинларин гирдобларидан,*
*Турмушнинг ташвишу азобларидан,*
*Етиб бўлмас орзу-сароблaридан,*
*Ахтариб қалбимда роҳату лаззат,*
*Мен сени излайман, бахту саодат.*

*Собир ЎРМОНОВ,*
*Юқоричирчиқ тумани.*

*Ҳамкасбларимиз*

# БОРИ ЭЛГА ЯХШИЛИҒ ҚИЛҒИЛ...

***МАНА шу ғала-ғовурли асримиз сўнггида диллардан-дилларга кўчиб, бутун жозибаси, оҳанрабоси ва маънавий қудрати билан ҳаёт дарёсини тўлдириб, тўлқинлантириб келаётган маънавиятимизни қадрлашга имконимиз етармикин? Қалбимиздан гўзалликка, нафосатга жой топилармикин? Эҳтиросимиз тирикми, иродамиз бедорми? Кўпинча шунга ўхшаш саволларга дуч келганда бир-биримизни хушёрликка ундай оламизми? Сўз айтиш қудрати бизни юксакликка кўтара оладими, ёки аксинчами?!***

Сўзни узоқдан бошлаб, сабр дарахтининг мевалари сизга тутарканман, муддао — бу галги мавзу журналистика отлиғ машаққатли касб эгалари ҳақида сўз юритиб, шу касб машаққатларининг талх нонидан тотаётган камтар, меҳнаткаш инсон ҳақида мухтасар бир сўз айтишдир.

Шундай экан, ҳаёт йўлига ҳар ким ўзи очган, ўз сўқмоғидан чиқиб олади. Бу йўл ғоятда масъулиятли ва мураккаб, унда инсон изланади, қилаётган меҳнатининг қадрига етади. Яхши ва ёмоннинг фарқига боради. Ногаҳон дуч келган қийинчиликларни мардонавор енгиб, олға интилаверади.

Истеъдодли журналист Пўлат Нишонов Тошкент туманидаги Юнусобод даҳасида туғилган. Уч ёшида отасидан етим қолган. Меҳрибон онажони Зоҳида буви ёлғиз ўғлини ўзи емай едирди, алқаб-ардоқлаб вояга етказди. Яхши одамлар қаторига қўшди. Уйли-жойли, кичкина бўлсада Ватанли қилди.

Пўлат тумандаги 24-ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, етуклик шаҳодатномасини олган кундан бошлаб шўх-шаддодлигини, ўйинқаролигини ташлаб, бирдан қуйилди-қолди.

У тун бўйи чироқ ёқиб, нималарнидир машқ қиладиган одат чиқарди. Бу истак, бу ҳоҳиш уни 1960 йилда Тошкент Давлат Дорилфунунининг журналистика куллиётига етаклади. Ўқишни бошладию, ёзув-чизув ишларини тарк этолмади. Унинг эзгу орзуси журналист бўлиш эди.

Кейинроқ у «Тошкент ҳақиқати» газетасида дастёр, корректор вазифаларида ишлади. «Ўзбекистон овози», «Тошкент бинокори» газеталарида малакасини орттирди. «Тошкент автомобилчиси» кўп тиражли ҳамда Чиноз тумани «Чиноз тонги» («Ленин байроғи») газеталарига муҳаррирлик қилди. 1977 йилда янгидан ташкил этилган Тошкент туманининг «Истиқлол нури» («Шонли меҳнат») газетасини ташкил қилишда иштирок этди ва узоқ йиллар мобайнида шу газетада муҳаррир бўлиб ишлади.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида Пўлат Нишонов Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг Тошкент вилояти бўйича муҳбири сифатида фаолият кўрсата бошлади. Вилоятимизнинг турли жабҳаларидан мисқоллаб йиғилган сўз дурдоналари — мақолалар, очерклар, муаммоли шарҳлар, репортажлар унинг қаламини янада чархлади. Қишлоқ хўжалигининг долзарб муаммоларига бағишланган мақолалари кўпчиликнинг диққатини тортди.

Пўлат ака турмуш ўртоғи Дилоромхон билан умргузаронлик қиларкан, тўрт фарзандни эл-юрт хизматига камарбаста ўғлонлар қилиб вояга етказишди.

Бугунги унда Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги агросаноат бўлими мудири сифатида фаолият кўрсатиб бир-биридан долзарб муаммоларни газеталар саҳифасига олиб чиқаётган журналист Пўлат Нишонов ижоди айни қизғин паллага кирган. Қутлуғ 60 ёшини қоршилади. Унинг мақолалари, очерклари, муаммоли шарҳлари вилоятимиз меҳнаткашларини мамнун этаётгани рост гап.

Бирор нарсадан ранжиганимда, кўнглимга ғубор оралаганида, ёхуд хаддан ташқари ҳурсандлик чоғларимда кўпинча Пўлат акани излаб топаман. Хоҳ ишда бўлсин, хоҳ уйда бўлсин у мени, журналист укасини очиқ чеҳра билан кутиб олади. Пўлат ака билан учрашганимизда бор ташвишларимни, машаққатларимни унутгандек бўламан. Унинг фикрлари, мулоҳазалари, ўгитлари кўнглимга умид учқунларини солади. Ва мен яна аслимга қайтгандек бўламан. Ахир, Бобур Мирзо хазратлари ҳам лутф қилганларку:

*Бори элга яхшилиғ қилғилки,*
*мундин яхши йўғ.*
*Ким дегайлар даҳр аро қолди*
*фалондин яхшилиғ.*

**Шавкат ТУРОБ.**

*Ёзувчиларнинг янги асарлари*

*ИСФАНДИЁР*

# ИНТИҚОМ

*(Романдан парчалар)*

Бирлашмага эса бадал сифатида ҳувиллаб қолган даҳани беришди. Янги хўжайинлар ишнинг кўзини биларканлар: бир-икки ҳафта ичида эски уйлардан ном-нишон қолмади. Яна ҳафта-ўн кундан сўнг эса текислаб ташланган ҳудуд атрофи ғиштли девор билан ўраб олинди; бир ойдан ортиқроқ вақт давомида бу девор ортига ёғоч, тош, мармар плита, илдизлари эҳтиёткорлик билан ўраб қўйилган кўчатлар ортилган, машиналар зир қатнаб турди. Сўнг ёнбошига «Трансагентство», «Мебель» деб ёзилган машиналар карвони пайдо бўлди. Ниҳоят, машиналар қатнови тинди ва янгидан бунёд этилган кўркам шаҳарчада ҳаёт ўз маромида тинчгина кета бошлади.

Белов маторни ўчирмасданоқ машинадан отилиб тушди ва орқанги эшикни катта очаркан, Ҳабибовнинг тушишига кўмаклашиш мақсадида қўлини ўзатди. Лекин хўжайин бу илтифотга эътибор ҳам бериб ўтирмади-да, шошилмасдан машинадан тушгач, район ҳудудидан четга чиқмайдиган пайтлари доим кийиб юрадиган, Белов ўзига ҳазил аралаш «маодзедунча» деб атайдиган, ҳарбийлар русумида тикилган френчини тортиб кўз қирини ташлагач, кўкрагидаги Меҳнат Қаҳрамони юлдузини тўғирлаб қўйди.

— Аҳмаджон Ҳабибович, — дея ниҳоят мурожаат қилишга журъат этди Белов ҳаяжондан қуруқшаб кетган томоғини намлаш учун одоб билан йўталиб оларкан. — Сизга бир илтимосим бор эди. Бугун шаҳарга бориб келишимга рухсат берсангиз. Жуда зарур эди.

Ҳайдовчи хўжайиннинг юзига қарашдан ҳайиқиб, унинг кўкрагидаги Олий Совет депутати нишонига қараб тураркан, Аҳмаджон Ҳабибовичнинг бефарқ-мудроқ юзига нимадир соя ташлаб ўтганини илғагандай бўлди.

— Негадир, бир оёғинг у ёқда бўлиб қолди, Сашка, — паст, ҳиссиз овозда деди Ҳабибов. — Бу менга ёқмаяпти, йигит.

— Чин сўзим, керак, Аҳмаджон ака! — Бошини кўтариб, ёлвориб-мўлтираб қараган Белов ўнг кафтини юраги устига қўйди. — Қасам ичаман, жудаям керак, бўлмаса сизни безовта қилиб ўтирармидим?!

Белов хўжайиннинг оғир, синовчан нигоҳига киприк қоқмай дош берди.

— Светка қўнғироқ қилди. Кетмасимиздан бурун, — дея намойишкорона масҳарали тарзда изоҳ беришга ўтди Белов. — Жек Руби... э, кечирасиз, тўғрироғи Евгений Рубеновичдан сўрашингиз мумкин. Унинг хабари бор.

Ҳабибов лоҳасланиб бош ирғади:

— Биламан, қўнғироқ қилган.

— Ана кўрдингизми! — салкам қувонч билан қичиқириб юборди Белов. Сўнг сал дадилроқ илжайди. — Жанжал кўтарди, келишимни талаб қиляпти. Қандайдир хотинлар иши бўлса керак-да.

— Агар Светка бўлса, унда... — Ҳабибов ўйланиб қолди, юз қиёфаси сал юмшаб, кўзлари сал чақнаб кетди. Бироқ, у шу заҳоти кўзларини юмиб очди-ю, яна аввалги ҳолига қайтди. Бироз ўйланиб тургач эса ҳиссиз овозда кутилмаган мавзудан гап очди: — Мен сенинг Марям билан Ғайнуллалардаги нашаларингни йўқ қилишни буюрдим. Биринчи сафар кечираман, лекин бунаканги майнабозчиликлар бошқа қайтарилмасин. — Ҳабибов ҳайдовчисига бир лаҳза ўқдай нигоҳини қадаб тургач, ўгирилиб дарвоза томон юраркан, овозини кўтармасдан гапида давом этди: — Кўл остимдаги одамларинг ифлос ишлар билан шуғулланиб юришларини ёмон кўраман. Ҳабибов номи тоза эди, ҳозир ҳам тоза ва шундай бўлиб қоладиям. Тушундингми?

Қўрқувдан юраги орқасига тортиб кетган Белов жонҳолатда хўжайин ортидан чопганча лаби-лабига тегмай бидирлади:

— Мен шунчаки... пул учун эмас, фақат ўзим учун. Чин сўзим, фақат ўзим учун, сизга ҳеч бир гап тегмай...

***(Давоми. Боши ўтган сонда).***

— Ўзинг учун бўлса — янаям ёмон! — дея силтаб ташлади Ҳабибов уни. — Домига тушдингми — тамомсан. Сал ўзини ҳурмат қилган одам сен билан кўришишдан ҳам ҳазар қиладиган бўлади. Саёқ итдай бир жойда ўласан-кетасан. — Ҳабибов ўгирилиб ҳайдовчисининг кўзларига яна лоқайд қаради. — Меҳнати, хавф-хатарга қўйганинг учун Марям билан Ғайнулла қанча сўраса, шунча берасан.

— Хўп бўлади, Аҳмаджон Ҳабибович, ҳаммасини бажараман, — дея сал эгилиб, аранг илжайди Белов. — Огоҳлантирганингиз учун раҳмат. Ўзимнинг аҳмоқлигимдан, тажрибасизлигимдан, қизиққанимдан...

— Бу масалани тугатдик, — дея шартта унинг гапини кесди Ҳабибов. Сўнг кўз ишораси билан дарвоза ёнидаги деворга ўрнатилган тугмачага ишора қилди. — Бос!

— Рухсатнома-чи? — ботинмайгина эслатди Белов. — Ўзингиз биласиз. Евгений Рубенович билан Файзиев жуда қаттиқ туришади.

Ҳабибов кўникмага айланган ҳаракат билан кўкрак чўнтагидан кичкина ёндафтарча чиқариб, Белов шоша-пиша узатган ручкани оларкан аланглаб... жой қидирди. Белов шу заҳоти эгилганча елкасини тутди ва шу ҳолатда хўжайин рухсатнома ёзиб берган варақчани олди.

— Миннатдорман, Аҳмаджон Ҳабибович, менга жудаям катта ёрдам бердингиз.

Белов варақчани юраги устига босаркан, иккинчи қўли билан қўнғироқ тугмачасини босди.

Дарвоза аввал кичкина, сўнг эса бутунлай очилди. Юзи қувончдан яшнаб кетган Арсен Табидзе пайдо бўлди. У ҳатто оғайниси Беловга қиё ҳам боқмасдан бахтиёрлик ифодалари лиммо-лим нигоҳини Аҳмаджон Ҳабибовичдан узмаган қўйи бир қадам ортга чекиниб хўжайинни ҳовлига ўтказди-ю, ўзи ҳам изма-из эргашди. Шу заҳоти дарвоза қайта ёпилди.

Белов «Волга»сига ошиғич қайтиб келаётиб, варақчага кўз ташлади. «Сангам» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Ҳабибов А. Ҳ.» деб ёзилган расмий гриф остига аниқ қилиб «Беловга шаҳарга боришга бир суткага рухсат бераман» деб ёзиб қўйилганди-да, гажакли сана қўйилган. Жуда муҳим гажак, айтиш мумкинки, сеҳрли.

— Зўр-р!

Белов варақчани эҳтиёркорлик билан буклаб, чўнтагига солди.

Кайфияти кўтарилган Белов машинага ўтирди. «Волга» орқага юриб бояги кўприкдан ғизиллаб ўтди-да, йўлга ўнгарилиб олгач, ортидан енгил чанг кўтарганча елиб кетди.

«Сангам» микрорайони уч томони далалар билан ўралган кенг воҳанинг жанубий қисмига яшил орол янглиғ қадалиб турарди. Белов ётоқхона ёнида тўхтаб ўтирмай — вақт йўқ, ҳожат ҳам — Светлананикида кийиниб олади — тўғри автопаркка бора қолди.

Белов «Волга»ни жойига олиб кириб, навбатчи механикка мойни алмаштириб қўйишни тайинларкан, Файзиевнинг қаердалигини сўради. Уйқуга тўймаган, бадқовоқ механик тўнғиллади:

— Ҳабибовнинг олдида бўлса керак-да, бошқа қаердаям бўларди. Ҳисобот бераётгандир, — механик капотни очиб, двигателга энгашди. — Сен кўп питирлайверма, ҳозир ўзи шу ерга учиб келади, ўзи сенинг атрофингда гиргиттон бўла бошлайди: яхши бориб, келдиларингми, Аҳмаджон ака нима деди, қандай қаради... Нима, ўзинг билмайсанми?

— Кутишга вақт йўқ, — Белов ўзининг олчаранг «Лада»си эшиғини очди. — Унга айтиб қўярсан, хўжайин менга шаҳарга бориб келишим учун бир суткага жавоб берди.

— Аҳмаджон акага керак бўлиб қолса машинани ким ҳайдайди? — механик аччиқланиб бош чайқади. — Менми?

***(Давоми бор).***



*Кўзларида ўт ёнган бола,*
*Бу оламни қучмоқ истайди.*
*Тол хивичдан арғумоғини,*
*Ғирот каби «чух» деб*
*қистайди.*

*Кўзларида ўт ёнган бола,*
*Онажонин бугун эркаси.*
*Улғаяди бўлиб фидокор,*
*У юртимнинг нурли эртаси.*

***Даврон АҲМАД***
***сурат-лавҳаси.***

*Шохмот*

## РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ ЛАС-ВЕГАСГА БОРАДИ

***ҲАМЮРТИМИЗ — ёш гроссмейстер Рустам Қосимжонов Америка Қўшма Штатларининг Лас-Вегас шаҳрида 30 июлда бошланадиган жаҳон биринчилигида иштирок этадиган бўлди.***

Халқаро шахмат федерацияси қарорига биноан ўтадиган бу биринчиликда жаҳон чемпиони Анатолий Карпов, 1997-98 йилларда ўтказилган чемпионатларнинг ярим финалчилари Вишванатан Ананд, Майкл Адамс, Борис Гельфанд ҳамда 62та саралаш мусобақаларининг ғолиблари, 20та юқори рейтингли шахматчилар, ёшлар (18 ёш) ва аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионлари, шунингдек, ФИДЕ қарорига асосан танлаб олинган кучли гроссмейстерлар чемпионатдаги 100та даъвогарлар сафини тўлдирадилар.

Рустам Қосимжонов Ўрта Осиё минтақаси саралаш турнири ғолиби сифатида жаҳон биринчилигида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Чемпионат бир неча босқичда ўтказилиб, бир ой давом этади. Жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган шахматчи 660 минг АҚШ доллари билан тақдирланади. Ҳамюртимизга тож баҳсларида омад тилаймиз.

*Шашка*

## ҲАМЮРТИМИЗ - ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

КУНИ КЕЧА Улан Батордa 100 катакли шашка бўйича тезкор усулда ўтказилган Осиё чемпионати мусобақаларида ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашдилар.

Осиёнинг энг кучли 12 шашкачиси иштирок этган бу биринчиликда Тошкентлик гроссмейстер Николай Мишченский 11 учрашувда 10 очко тўплаб, ғолибликни ва Осиё чемпиони унвонини қўлга киритди. Республикамиз чемпиони, сирдарёлик Алишер Ортиқов 11 имкониятдан 8 очко тўплаб, фахрли 4 ўринни эгаллади.

*Футбол*

## ТЕРМА ЖАМОА ҒОЛИБ

ҒОЛИБНИ аниқловчи ҳал қилувчи учрашувда маҳаллий «Самарқанд» жамоаси билан Ўзбекистон миллий терма жамоаси куч синашди. Жанговар руҳда ўтган ўйин дуранг натижа билан 2:2 ҳисобида якунланди. Тўплар нисбатига биноан терма жамоа биринчи ўринни эгаллади. Турнирда иштирок этган Малайзия миллий терма жамоаси Англенда биринчи табақа вакили «Семурғ» жамоаси меҳмони бўлди. Қизиқарли ўтган бу учрашув 3:2 ҳисобида меҳмонлар ғалабаси билан якунланди.

***Талъат ЮСУПОВ.***

*Бокс*

## ХОТИРА ТУРНИРИ

АНГРЕНДА бокс бўйича яқинда бўлиб ўтган мусобақа Мамажон Эргашев хотирасига бағишланди. Марҳум Мамажон ота шаҳарнинг обод бўлишига, аҳолига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ривожлантиришга салмоқли улуш қўшган эди. Шунинг учун ҳам унинг хотираси шаҳарда абадийлаштирилган. У Ангреннинг фахрий фуқароси ҳисобланади, кўчаларнинг бири унинг номи билан аталади.

Шаҳардаги «Олтинкўмир» масъулияти чекланган жамият маъмуриятининг ҳомийлигида М. Эргашев хотирасига бағишланган бу турнирда маҳаллий боксчилар қатори Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган спортчилар ҳам қатнашдилар. Англренликлар кўпчилик совринли ўринларни эгалладилар ва умумжамоа ҳисобида ғолиб бўлдилар. Ғолиблар ва турнир қатнашчиларига қимматбаҳо эсдалик совғалари берилди.

***Жаҳон ЖАББОРОВА.***

*«Табиат ва инсон» почтасидан*

# «ОВ»ЛАРИ ЮРИШМАДИ...

Балиқларнинг увилдириқ ташлаш даврини давлат бионазорат бошқармаси ходимлари орзиқиб кутадилар. Улар бутун қиш бўйи сув ҳавзаларини кузатиб борадилар. Балиқлар уруғланадиган жойларни олдиндан аниқлашга ҳаракат қиладилар. Бундай паллани табиат зараркунандалари ҳам пойлайдилар. Улар балиқлар эҳтиёткорлигини йўқотган шундай пайтда овлари анча бароридан келишини яхши биладилар.

Сирдарё ҳавзаси биологик нозирлиги бўлими ходимлари бундай даврда кўзқулоқ бўлиб турадилар, ҳавзаларни тез-тез кузатадилар, балиқларни табиат зараркунандаларидан ҳимоя қиладилар. Давлат нозирлари Б. Эрматов ва В. Кимлар дарёда тақиқланган тўр ёрдамида балиқ тутаётган фуқарони қўлга туширдилар. У Чиноз туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Э. Холматов бўлиб чиқди. Зараркунандачи табиий бойликка зарар келтиргани учун 650 сўм товон тўлади, шунингдек, унга балиқ тутиш қоидасини бузгани учун 1320 сўм маъмурий жарима солинди.

Чиноз қўрғонида яшовчи Т. Алимов ҳам шундай номаъқулчилик билан шуғулланаётганида фош этилди. Унинг тўри мусодара қилинди ҳамда оиласи бюджети 2640 сўм зарар кўрди. Бу ерда фақат иккита мисол келтирдик. Аслида бундай воқеалар кўплаб содир бўлади. Уларга қарши курашда жамоатчилик ҳам фаол қатнашса айни муддао бўларди.

***М. МАХМУТОВ.***

Тошкент шаҳар Чилонзор туман мудофаа бўлими томонидан 1997 йилнинг 8 январида Ғуломжон Йўлдошевич Раҳимов номига берилган № 218664 рақамли имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисидаги гувоҳноманинг қўшимча варақаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Республика касб-ҳунар лицейи томонидан Чарос Турдиалиевна Тўрақулова номига 1998 йилда берилган АС № 087558 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент тумани Бўка шаҳридаги 3-ўрта мактаб томонидан 1991 йилда Жўраев Дилмурод Сидиқович номига берилган № 479407 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар 26-ўрта ҳунар-техника билим юрти (ҳозир 12-ҳунар мактаби) томонидан 1996 йилда ТУРДИЕВ Анвар Абдуллаевич номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор туманидаги 200-ўрта мактаб томонидан Азамов Баҳодир номига берилган OPZ № 335963 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАНДИ.**

*Об-ҳаво*

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 17-21 июль кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Шамолнинг тезлиги жойларда 12-17 метрга етади. Ҳаво ҳарорати шу даврнинг бошида кечалари 18-23, кейинроқ эса 15-20 даража атрофида, кундуз кунлари 31-36 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0535. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 11.937 нусха.

*"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6